Ушбу сонда:

2 АРИЗАЧИ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

3 ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ МАҚОМИ БЕРИЛГАНИГА 12 ЙИЛ ТЎЛДИ

4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 20 октябр, шанба №164 (1178)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ЖАСОРАТИ УЧУН ТАҚДИРЛАНДИ

МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг «Евроосиё телефоруми» тўртинчи телевизион фестивали Москвадаги «Космос» меҳмонхонаси концерт залида ижодий танловнинг ғолибларини мукофотлашга бағишланган тантанали маросимдан сўнг ўз ишини якунлади.

Бироқ, ташкилий қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг махсус мукофот билан тақдирланиши телефестивалдаги энг муҳим ва ёрқин воқеа бўлди. Мукофотга қуйидаги сўзлар илова қилинган: «Оммавий ахборот воситалари орқали XXI асрнинг янги хавф ва таҳдидларига, биринчи навбатда, халқаро террорчилик ва гиёҳванд моддалар тарқалиши хавфига қарши кураш ғояларини фаол тарғиб қилаётгани, яхшилик ва инсонпарварлик ғояларига ҳормай-толмай хизмат қилаётгани учун».

Россиянинг етакчи телекомпанияларидан бири «ТВ Центр» президенти Олег Попцов маросимда сўзга чиқиб, шундай деди:

- Ўйлашимча, дунё қандай даврни бошидан кечираётганини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Яқиндагина Америка Қўшма Штатларида қандай фожеа рўй берганини биламиз. Москвада ва Россиянинг бошқа шаҳарларида нималар юз бераётганидан хабардормиз. Террорчилик муаммоси бутунжаҳонга таҳдид солаётганини кўриб турибмиз. Аммо террорчиликка қарши кураш нақадар мураккаб эканлигини доим ҳам англаб етавермаймиз. Мамлакат раҳбари бу дунёвий офатга қарши бир ёки икки-уч бора эмас, қайта ва қайта қатъий фикр билдирар экан, бу - дунёдаги бедор бир фуқаронинг катта жасорати, бу - дунёдаги бир йўлбошчининг улкан шижоатидир. Бугун биз бу жасоратни тақдирлаш имконига эга эканлигимиздан хурсандман. Президент Ислом Каримов бунга ҳар жиҳатдан муносиб...

Жорий йилнинг 10 октябрида «Россия» давлат телеканалида РТРнинг сиёсий шарҳловчиси Алексей Денисовнинг «Собиқлар иттифоқи» номли ҳужжатли фильмлар туркумининг биринчи қисми намойиш этилиши яна бир қизиқарли премьера бўлди. Сериал МДҲнинг 10 йиллигига бағишланган. Шундай бўлса-да, ушбу лойиҳани бошлаб берувчи, унинг умумий йўналишини белгилаб берувчи мазкур фильм бизнинг мамлакатимиз ҳақида. Бу бежиз эмас. Фильмда Президент Ислом Каримов миллионлаб телетомошабинларга яна бир бор мурожаат қилди.

- Ўзбекистон, мана, ўн йилдирки, суверен, мустақил давлат. Биз бу ерда амалга оширилган улкан ўзгаришлар гувоҳи бўлдик, - дейди Алексей Денисов. - Интернетга уланган компьютерлар мавжуд бўлган янги ажойиб коллежлар ва замонавий мактабларда компьютер дастурлари асосида таълим олаётган ёшларни ва уларга сабоқ бераётган замонавий, билимдон ўқитувчилар билан мулоқотда бўлдик. Кўркам янги бинолар, кенг ва равон йўлларни кўрдик... Энг муҳими - биз одамларда янгича яшашга интилиш ва истак ниҳоятда кучли эканига амин бўлдик.

Совет даврида Ўзбекистонни улкан империянинг хомашё манбаларидан бирига айлантириб, уни беаёв талон-тарож қилишган. Бугунги кунда эса бу юртда буюк миллий маданиятини тиклаётган орияти юксак кишиларни кўрдик. Хусусан, Тошкент ва Самарқандда Амир Темур шарафига барпо этилган ажойиб ёдгорликлар бизни лол қолдирди. Ўзбекистон халқига чин юракдан фаровонлик ва тинчлик-хотиржамлик тилаймиз. Бундай халқ буюк келажакка муносибдир!

Фестивал мукофотларига сазовор бўлган асарлар орасида таниқли ўзбек актёри Рустам Саъдуллаевнинг режиссёр сифатидаги илк иши - «Гумроҳлар» 10 серияли телевизион фильми ҳамда «Ўзбектелефильм» ижодкорларининг «Интеграция қирралари» ҳужжатли фильми ҳам бор. «Бадиий телефильм» йўналишида ғолиб бўлган Россиянинг «Меросхўрлар» фильми ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Бу асар таниқли ўзбек кинорежиссёри Элёр Ишмухаммедов томонидан Москвада суратга олинган.

IV телефестивалнинг асосий воқеаларидан яна бири Россия-Ўзбекистон қўшма кинолойиҳаси - «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» илмий-публицистик фильмининг тақдимоти бўлди. Фильм сценарийси профессор Л.Левитиннинг шу йил Москвадаги «Вагриус» нашриётида чоп этилган ушбу номдаги китоби асосида ёзилган. Телефестивал қатнашчиларига тақдим этилган «Башорат қилиш изтироби» деб аталган 7 дақиқалик парча дастлабки лойиҳанинг бир неча асосий йўналишларини белгилаб берди. Экстремизм илдизлари, халқаро террорчиликка қарши кураш усуллари тўғрисидаги ўйлар мазкур лойиҳанинг асосий мавзуларидан бири бўлади. Фильмнинг тўртта сериясида Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кунини акс эттириш асосий вазифа ҳисобланади. Бу фильм ҳозирги ўзбек жамиятининг очиқлиги, унинг ҳар қандай муаммолар бўйича тенг ҳуқуқли мулоқот олиб боришга қодирлигини тасдиқлайди.

(ЎзА).

Маҳалланг — отанг, онанг!

Инсон ҳаётида шундай пайтлар бўладики, бир оғиз ширин сўзга, озгина эътиборга, мададга ташна бўлади. Уйдами, ишдами, қаерда бўлмайлик, шунга эҳтиёж сезамиз.

Ногирон-чи? У кимдандир умидвор. Уларга ҳар кун, ҳар соат меҳр кўргазиш лозим.

ТАЪЗИМ СИЗГА, ЯХШИЛАР!

Санжар Тиркашев Фориш туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласида яшарди. Ота-онасидан жудо бўлганига ҳам 8 йил бўлган. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас экан. Бунинг устига ҳайҳотдай ҳовлида ёлғиз яшаш... Халқимизда «Маҳалланг ота-онанг», «Бир болага етти қўшни ота-она» деган нақллар бор. Маҳалла аҳли ана шунга амал қилиб, Санжарни ёлғизлатиб қўймади. Унга астойдил ёрдам кўрсатди. Қариндошлари ҳам кўмакка келди. Кейин...

Орамизда қалби эзгуликка тўла, саховатли инсонлар кўп. Ана шундай меҳри дарёлардан бири «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Маҳмудовдир.

Унинг раис сифатида кўрсатаётган фаолиятининг бир чеккаси ногирон Санжар Тиркашевга кўрсатилаётган ижтимоий ҳимояга бориб тақалади. Уни даволатиш ниятида маҳалла нуронийлари билан маслаҳатлашиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги неврология ва нейрохирургия илмий тадқиқот институти бош шифокори М.Қориевга мактуб йўллади.

Илтимос инобатга олинди. Энди ногиронни даволаш, унга меҳр кўрсатиш учун маблағ керак эди. Раис маҳалла аҳлига мурожаат қилди. Кўплашиб, кўмаклашиб деганларидек, саховатпеша инсонлар — Д.Иннатов, А.Саъдуллаев, С.Иномов, Т.Самадов, М. Нурмуродов, А.Турғуновлар биринчи кунданоқ кўмакка шошилдилар. Маҳалла аҳлидан жамғарма тўплашда Лола Тошпўлатова, Раъно Мирсаидова, Раҳима Норматовалар фаоллик кўрсатдилар.

Б.Маҳмудов етакчилигидаги гуруҳнинг саъй-ҳаракати туфайли беморни даволаш учун 83000 сўм пул жамғарилди. Бу маблағ йўл харажатларига, унинг ҳолидан мунтазам хабар олиб, керакли нарсаларни етказиб туришга сарф қилинди. Уни малакали даволашда академик Р.Ғофуров, фан номзоди Алишер Мирзиёевлар билим ва тажрибаларини аямадилар. Натижада, у соғайиб, ногиронликдан қутилди. Лекин барибир унга моддий ва маънавий мадад керак эди. Бунга ҳам чора топилди. Яъни, у икки саховатпеша инсон томонидан оталиққа олинди.

Энди маҳалла фуқаролар йиғини Санжарни уйлантириш ва иш билан таъминлаш ташвишини қиляпти. Тўйни ҳам маҳалла аҳли баҳоли-қудрат ўз имкониятларидан келиб чиқиб ўтказишга қарор қилди.

— Маҳалламизда 620 та хонадон бор, - дейди Б.Маҳмудов. - Биз уларнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб турамиз. Оналар ва болалар йилида бир қатор ишларни амалга оширдик. «Энг яхши келин», «Энг яхши қайнона» кўрик-танловларини ўтказдик. Кам таъминланган оилаларга ёрдам уюштирдик. 60 нафар болага бепул ўқув қуроллари олиб бердик. «Соғлом авлод» футбол мусобақасини ташкил этдик.

Жонкуяр маҳалла оқсоқолининг сўзларини тинглар эканмиз, ҳаётда шундай олижаноб инсонлар бор экан, меҳр-оқибат ҳамиша яшайверади, деган фикр хаёлимиздан ўтди.

Алибой ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ИНТЕРНЕТГА САЁҲАТ

Ўзбекистон Миллий университетида Аваз Мараҳимов ва Сайёра Раҳмонқулова қаламига мансуб «Интернет ва ундан фойдаланиш асослари» ўқув қўлланмасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

- Ушбу китоб Интернет ва унинг технологияларини мустақил равишда ўрганиш, улардан ишда ва ўқишда унумли фойдаланишда жуда қўл келади, - деди С.Раҳмонқулова. - Мажмуада ахборот технологияларининг жамият тараққиётидаги ўрни, Интернетда ишлаш асослари, унинг таълим, тиббиёт, бизнес каби турли соҳаларга татбиқи, электрон почта ҳақида сўнгги маълумотлар жамланган.

Китоб содда тилда ёзилган бўлиб, ундаги маълумотлар расмлар ёрдамида изоҳланади. Келтирилган савол ва топшириқлар ўқувчига мавзуни ўзлаштиришда ёрдам беради. Қўлланма кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

(ЎзА).

ДАСТЛАБКИ НАТИЖА ЧАККИМАС

Бухоро туманида истиқомат қилувчи Олим Тошев "Туронбанк"нинг вилоят бўлимидан 1,5 миллион сўм миқдорида кредит олганди. Шу давр мобайнида у қарзларидан қутилибгина қолмай, балки ўз хўжалигини ҳам тиклаб олишга улгурди. Ўттиз уя асаларидан бир тоннага яқин асал олиб, яхшигина даромад қилди.

- Бу биттагина мисол, деб қайд этди "Туронбанк"нинг вилоят бўлими бошқарувчиси Бахтиёр Орипов "Туркистон-пресс" мухбирига. – Бу йил банкимиз кичик ва ўрта бизнес билан машғул бўлган етмишдан зиёд кишига 263 миллион сўм миқдорида кредит берган. Ўйлаймизки, улар ҳам мамлакатимиз иқтисодиётига ўз улушларини қўшишади.

Кўкдумалоқ компрессор станцияси жамоаси мамлакатимиз иқтисодиётида нечоғлик катта аҳамият касб этишини нефт ва газ саноати ходимлари яхши тушунишади. Мазкур корхонада барча жараёнлар замонавий техникалар зиммасига юклатилган. Шу боис меҳнат унуми ва самарадорлик ошиб боряпти.

Кўкдумалоқда тер тўкаётган ёшларнинг аксарияти хорижда таҳсил кўриб, тажриба орттириб қайтишган. Америкалик мутахассислар билан ёнма-ён ишлашади. Хуллас, бу ерда ўз касбининг ҳақиқий усталари меҳнат қилишади.

Суратларда: корхона ҳаётида лавҳалар.

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Афғонистон ҳудудидаги халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилиш мақсадида бошланган амалий ҳаракатлар жаҳон жамоатчилигининг алоҳида эътиборида турибди. Аср вабосига қарши давом этаётган ушбу кураш дунёнинг тараққийпарвар кучлари томонидан бирдамлик билан қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса жаҳонда терроризмга нисбатан қатъий бир ирода юзага келганидан далолат беради.

Мазкур масала бўйича мамлакатимиз позицияси Президент Ислом Каримовнинг Баёнотида, шунингдек, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатида батафсил ифода этиб берилган. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида Юртбошимизнинг ана шу ҳужжатларда билдирган фикр ва даъватларида қалам аҳли олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқадиган масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни уюшма раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов бошқарди.

Сўзга чиққан аъзоли шоир ва ёзувчилар, мунаққидлар, мутаржимлар томонидан бу борада Ислом Каримов баён этган мамлакатимиз ҳукумати позицияси тўла қўллаб-қувватланди. Тинчлик-осойишталикни сақлаш шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги таъкидланди. Огоҳлик ва ҳушёрлик эса ҳар бир ҳамюртимиз ҳаётининг мезонига айланмоғи, хусусан, қалам аҳли, ижодкорларнинг бу жабҳадаги бирламчи вазифаси воқеъликка нисбатан ҳозиржавоблик ва ўткир сўз билан муносабат билдиришдан иборат бўлмоғи керак.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Таниқли ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари этиб, шоир Сирожиддин Саидов уюшма раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев сўзга чиқди.

(ЎзА).

ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қашқадарё вилоятидаги тижорат банклари шу йилнинг август-сентябр ойларида тўлов-контракт асосида ўқиётган 226 нафар талабага 41,7 миллион сўм миқдорида таълим кредитлари ажратди. Ушбу кредитлар Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра ота-онасиз етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан ногиронлар, 1- ва 2-гуруҳ ногиронларига фоизсиз, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига эса имтиёзли тарзда берилди.

Сўнгги хабарлар оқимидан

ШАНХАЙ САММИТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хитой Халқ Республикасининг энг катта шаҳарларидан бири Шанхайда иш бошлаган Осиё ва Тинч уммон минтақасига кирувчи давлатлар раҳбарларининг саммити давом этмоқда. Унда дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатлари вакиллари бор. Мазкур анжуманда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммолар билан бир қаторда террорчиликка қарши кураш масалалари ҳам кенг муҳокама этилади. АҚШ Президенти Жорж Буш билан Россия Президенти Владимир Путиннинг яккама-якка учрашуви кутилмоқда. Шанхай саммитини ёритиш учун мазкур шаҳарга саксонга яқин мамлакатдан уч минг нафарга яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрдилар.

ЗАРБАНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ

АҚШ мудофаа вазирлиги Америка қуролли кучларининг махсус вазифаларни бажарувчи қисмлари Афғонистонга кирганлигини расман тасдиқлади. Шу тариқа Афғонистондаги террорчилар ва уларнинг ҳомийларига зарба беришнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу ҳақда «Вашингтон пост» газетаси хабар берди. Маълумотларга қараганда, яқин кунлар ичида АҚШ қуролли кучларининг десант қисмлари ҳам ҳарбий операцияларни амалга оширадилар.

МУТАХАССИСЛАР ОГОҲЛАНТИРАДИ

Америка шифокорлари аҳолининг турли қатламларини биологик терроризмдан огоҳ бўлишга чақирдилар. Касалликларни назорат қилиш ва уларнинг олдини олиш марказлари мутахассислари мамлакатда ўлат, ботулизм, қизомиқ, Эбола безгаги сингари хасталикларнинг тарқалиши мумкинлигидан одамларни огоҳ қилдилар.

ТЕРРОРЧИЛАР КАТТА ТАЛОФАТ КЎРДИ

Ўтган пайшанба куни Америка авиацияси «толиб»ларнинг ҳарбий объектларига навбатдаги зарбани бердилар. АҚШ ҳарбийлари ана шу ҳужум пайтида Усама бин Лоденнинг энг яқин сафдошларидан бири ўлдирилганлигини хабар қилдилар. АҚШ ҳарбий маҳкамаси раҳбарларининг гапларига қараганда, «толибон»чилар ҳамда «Ал-Қоида» уюшмаси тизилмалари катта талофат кўрмоқдалар.

БОСҚИНЧИ — ЎН УЧ ЯШАР ҚИЗ

Американинг Индиана штати полициячилари банкка босқин уюштирган кимсани топиш учун анча-мунча тер тўкдилар. Ниҳоят ўғрининг кимлиги аниқланди. Ўғри ўн уч яшар қиз экан. У бир неча кун муқаддам ёнилғи қуйиш шаҳобчаси ва кийим-кечак магазинини ҳам тунаб кетган экан.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

АРИЗАЧИ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Жиззах вилояти касаба уюшмалари Кенгаши меҳнат ҳуқуқи инспекциясида бир кун

Бу ерда тажрибали мутахассислар, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини қатъий туриб ҳимоя қила оладиган кишилар фаолият юритмоқдалар. Умид билан ёрдам сўраб келган ҳар бир инсон алоҳида ҳонада қабул қилинади. Эркин мулоқот давомида уни ўйлантираётган, ташвишлантираётган муаммо ва унинг ечими ҳақида гап боради. Меҳнаткаш мушкулини осон этиш учун бутун чоралар билан ҳаракат қилинади.

Бўлим ноқонуний бўшатилган ишловчини ишга тиклаш, товон пули, иш ҳақини ундириб бериш масаласида хайрли ишларни амалга оширмоқда. Қайд этилишича, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 100 киши ноқонуний вазифасидан озод этилганлиги ҳусусида мурожаат этибди. Жорий йил бошидан буён 162 та оғзаки, 51 та ёзма мурожаатлар қабул қилинган. Уларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилган. Қуйидаги мисол эътиборга молик.

... Учтепа пахта тозалаш корхонасининг 18 нафар ходими ишдан қонунга зид равишда четлаштирилганлигини маълум қилиб, ёзма равишда мурожаат этишган. Ариза атрофлича ўрганилиб чиқилди. Мутахассислар икки-уч бор корхонада бўлиб, масалага адолатли ёндошдилар. Натижада пахта тозалаш корхонаси раҳбари Х.Мустафоев қонунбузарликка йўл қўйганлиги тасдиғини топди. Асосли далиллар кўндаланг қўйилди. Н.Иброҳимова, Н.Каримова, Г.Тойлонова, Д.Бурхонова, Ш.Умарова, Х.Тўрақулова, Х.Мансурова, Т.Хожиева сингари туппа-тузук ишлаб турган ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқи поймол этилганлиги асослаб берилди. Инспекция мутахассисларининг қатъиятлиги, саъй-ҳаракати туфайли ҳақиқат қарор топди. Мурожаат қилган ишловчилар ўз вазифаларига қайта тикландилар. Уларга мажбурий бекор юрган кунлари учун 4,5 миллион сўм ундириб берилди.

Шу билан иш тўхтагани йўқ. Корхона раҳбарининг фаолиятидаги камчиликлар, «мен раҳбарман, меники тўғри» қабилидаги саъй-ҳаракатлари қимматга тушаётганлиги Жиззах туман ҳокимлиги ҳамда «Пахтасаноатсотиш» вилоят ҳудудий бошқармаси раҳбарлари эътиборига ҳавола этилди. Пировард натижада, манмансираган корхона раҳбари ўз вазифасидан бўшатилди.

Ўтган бир йил давомида касаба уюшмалари вилоят Кенгаши (раиси Қ.Рафиқов) аралашуви билан мажбурий бекор юрган, ишдан бўшаб кетса-да, ходим билан тўла ҳисоб-китоб қилмаган ҳолатлар бўйича ходимларга ундириб берилган пул миқдори 68 миллион сўмни ташкил этди.

Маълумки, Оналар ва болалар йили муносабати билан жойларда хотин-қизларни эъзозлаш, уларга муносиб иш ўринлари яратиш, меҳнатини рағбатлантириш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилаяпти. Бироқ, бу йўналишда кишини ўйлантираётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан «Фидокорлар» партияси Жиззах шаҳар кўмитаси ходими Д.Бойназаровага негадир таътил пули ва болага қараб туриш нафақасини беришни пайсалга солишган. Жиззах шаҳар почтаси бўлими бошлиғи З.Иномова ишдан бўшаган бўлса-да, у билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинмаган. Ҳар икки ҳолатда ҳам адолат тантана қилди. Ишловчилар ўзларига тегишли маблағни олдилар.

Шундай етакчилар ҳам борки, улар қонунбузарликка, адолатсизликка йўл қўйганликларини билсалар-да, бундан тегишли хулосалар чиқармайдилар. Оқибат натижада қайсидир фуқаро сарсон бўлади. Мана бу мисол фикримиз далилидир. Жиззах шаҳар Ички ишлар бўлими соқчилик бўлинмаси ходими Турғун Раҳматуллаев бир йиллик иш ҳақи - 176 минг сўмни ололмасдан қийналиб юрди. У касаба уюшмалари Кенгашига мурожаат қилгач, масала мутасадди идора олдига кўндаланг қўйилди. Қизиғи шундаки, уни ўз вазифасига қайта тиклаш ҳақида буйруқ чиқса-да, негадир ижроси таъминланмади. Шундан сўнг аризачи манфаатини кўзлаб мазкур иш фуқаролик ишлари бўйича судга оширилди...

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Буни одамлар қалбдан ҳис қилмоқдалар. Фақат ҳақ-ҳуқуқимизни билишимиз, уни ҳимоя қила олишни ўрганишимиз керак. Қаранг, ҳозиргача иш берувчи томонидан ноқонуний бўшатилган 51 ходим касаба уюшма ёрдами билан ўзининг аввалги иш жойига қайта тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 148-моддасида йиллик меҳнат таътили даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланиши кўзда тутилган. Амалдаги қонун талабига кўра хўжалик юритувчи субъект мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар бир ишчи-хизматчи таътилга чиқишидан бир кун аввал таътил пулини беришга мажбурдир. Бироқ, кузатишлар шуни кўрсатдики, вилоятдаги қатор корхоналарда бунга негадир амал қилинмаяпти. Меҳнат ҳуқуқи инспекциясига шу ва бошқа масалаларда мурожаат қилган Учтепа пахта тозалаш корхонаси ишчиси З.Турсунова, вилоят ўсимликлар карантини инспекцияси ходими Т.Тожибоев, «Кўк бозор» ходими З.Каримова, «Жиззахпластмасса» корхонаси ишчиси Н.Хўжанова ва бошқаларнинг мушкули осон этилди. Умуман вилоят кенгаши аралашуви билан ходимларга вақтида тўланмаган 870 минг сўмлик иш ҳақи ўз эгаларига ундириб берилди. Шу тариқа меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмаларига бўлган ишонч ортиб бормоқда.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Сайҳал» хусусий корхонаси ишчилари истеъмолчиларга йигирма турдаги қандолат маҳсулотлари етказиб беришмоқда. Сархил неъматлар кўпчиликка маъқул бўлаётганлиги боис буюртмачилар сони кўпайиб бормоқда.

Суратларда: тажрибали ишчи Мадина Бекова (ўнгда); тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишида ўз касбининг усталари Ҳ.Анорбоева ва Г.Воҳидованинг муносиб ҳиссаси бор.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

ФАРЗАНДИМ КУЙДИРМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятидан

Ҳар бир йигит ва қизни комил инсон сифатида шакллантириш осон иш эмас. Шу боис мамлакатимизда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Биз мамлакатимизнинг истиқболи — ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғлик фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадлар учун хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак». Юқоридаги вазифаларни кўнгилдагидек адо этишда Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори ҳам ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Буни биргина Шофиркон тумани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Б.Фофуровнинг ҳикоя қилишича, касаба уюшмалари ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш идоралари билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий, маданий, маънавий онгини такомиллаштириш юзасидан туманда анча-мунча ижобий тадбирларни амалга оширдилар. Натижада, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари маълум даражада камайди.

Тарбия масаласида аждодларимизнинг мероси, бой ҳаётий тажрибаси мактаб ўрнини босиши ҳаммамизга маълум. Халқ орасида фарзандим ўртамасин десангиз, уларнинг келажаги устида ҳамиша-ҳамрўз бош қотириш керак, деган гап юради. Шу сабабдан тумандаги нуроний отахон ва онахонлар йигит-қизлар ўртасида ахлоқий-тарбиявий тадбирларни йўлга қўйишда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, «Маънавият ва маърифат маркази», касаба уюшмалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ватанпарвар» жамияти, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси каби ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Масалан, Султон Жўра номли маҳалла оқсоқоллари — Н.Бозоров, А.Султонов, А.Эргашев, Р.Ҳамроев, А.Омонов билан мунтазам мулоқотда бўлиб, уларни комил инсонлар этиб тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Натижада, қисқа вақт ичида 70 нафарга яқин ёшлар тадбиркорликка жалб этилди. Уларнинг тенг ярмини эса хотин-қизлар ташкил этди.

Ёшлар тарбиясида ҳуқуқий билимлар тарғиботи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шу маънода туман прокурори М.Бекмуродовнинг ташаббуси билан мактабларда «Ёш ҳуқуқшунослар» бурчаклари ташкил этилди. Шундай бўлса-да, аҳён-аҳёнда тўғри йўлдан адашган ёшлар ҳам учраб турибди. Масалан, 28-касб-ҳунар мактаби талабаси Азим Салимов ножўя ҳатти-ҳаракатлари учун маъмурий жазога тортилди. 18-билим юрти талабаси Ғайрат Эргашев эса қонунларимизни назар-писанд қилмаганлиги учун қаттиқ огоҳлантирилди. Масъул ташкилотларнинг саъй-ҳаракати билан 318 нафар ишламайдиган ёшлар аниқланиб, уларнинг 214 нафари фойдали меҳнатга жалб қилинди.

Туман ҳокимининг ўринбосари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси раиси Карим Бобомуродовнинг изоҳлашича, йигит-қизларимизни билимли, жисмонан соғлом, маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, ҳуқуқий билимларини ошириш, ярамас оқимлар таъсирига тушиб қолиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида тумандаги масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан 2000-2005 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган. Ана шу дастурга асосан мактаблар, ўқув юртлари, ёшлар меҳнат қиладиган бошқа даргоҳларда йигит-қизларимиз истиқболига оид Юртбошимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари кенг тушунтирилмоқда. «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Ёшлар ва қонун», «Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида», «Жиноятга жазо муқаррар» сингари мавзулардаги учрашувлар ёшларимизда катта таассурот қолдирмоқда.

Иззат ХИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ДАРОМАДГА ЯРАША БУРОМАД

«Ҳақиқат» ширкат хўжалиги нафақат Жомбой туманида, балки Самарқанд вилоятида ҳам иқтисодий бақувват хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бу ерда асосан ғалла, пахта, мева ҳамда сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Ҳар йили шартномавий режалар ошиғи билан адо этилиб, мўмайгина

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

даромад олишаётир. Хўжаликнинг ҳисоб рақамида 48 миллион сўм маблағ бор. Ҳар бир сўм ҳисоб-китоб билан сарфланмоқда. Кейинги тўрт йилда 1 та болалар боғчаси, 4 та мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шундан 3 таси хўжалик ҳисобидан қурилди.

— Нўш қишлоғидаги 8-мактаб биноси қурилганига 60 йил бўлган. Бино нураб, авария ҳолатига тушиб қолганди, - дейди хўжалик бошқаруви раиси Барот Нодиров. - 2000 йил ҳосили даромадини ҳисоблаб кўриб, эски мактаб ўрнида янгисини қуришга киришдик. Қисқа муддатда 620 ўринли мактаб ишга туширилди. Хўжаликнинг ўзида қурилиш бригадаси ташкил этилган. Ёғоч материалларининг ҳаммаси хўжаликда етиштирилади. Уни қайта ишлайдиган цех ҳам ишлаб турибди. Бу ерда эшик-дераза, пол материаллари тайёрланади.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

АЁЛНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида “Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш” мажмуи таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

- Аёл маърифий, маънавий жиҳатдан жамиятда етакчи куч ҳисобланади, - деди Тошкент шаҳар “Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш” котибияти мудири Гулруҳ Аъзамова “Туркистон-пресс” мухбирига. — “Оналар ва болалар” йили аёлларимизнинг зиммасига янада масъулиятли вазифалар юклагани сир эмас. Тўғри, аёл оилада ҳамма даврларда ҳам муҳим ўрин тутиб келган. Лекин бу, нуқул уй юмушларига ўралашиб қолиб, жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга лоқайд қараб туриши, дегани эмас, чунки аёл энг аввало фарзандлар тарбиячисидир. Бугунги фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб етишишида онанинг роли беқиёс. Бугунги кун аёли ўқимишли, доно, тадбиркор, ақлли айни пайтда ҳақиқий дин таълимотидан ҳам хабардор бўлмоғи лозим. Туманда хотин-қизлар қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ижобий ишлар жуда кўп.

Анжуман иштирокчилари бугунги кун аёлининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, фарзандлар тарбияси, хусусида ўзаро фикр алмашиб, маҳаллаларда хотин-қизлар қўмитаси ишларини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлашди.

Самарқанддаги «Самжинтекс» қўшма корхонасида асосан ёшлар меҳнат қилишади. Эътиборлиси шуки, корхона цехларида пахта толасидан ажойиб кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Мутахассислар уларнинг сифатини янада яхшилаш, хилларини кўпайтириш устида изланмоқдалар.

Суратда: моҳир тўқувчи Дилноза Хушвақтова.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙДИ

«Бухоронон» ҳиссадорлик жамияти шаҳар аҳолисининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш йўлида тинмай меҳнат қилиб келаётган жамоалардан. Яқинда корхона маҳсулотлари тури янада кўпайди. Жамоа 20 хилдаги нон, макарон ҳамда қандолат маҳсулотлари тайёрлашнинг уддасидан чиқаётир.

Халқимиз дастурхонига етказиб берилаётган бўрсилдоқ, мазали неъматлар барчага манзур бўлмоқда. Замонавий технология ва ўз касбининг фидойилари бўлган ишчи-хизматчиларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар корхона ютуқларининг бош омилидир.

У. НАВРЎЗОВ.

ҚОЛОҚЛИКДАН ИЛҒОРЛИККА

Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатаётган “Сирдарёгўшт” акциядорлик жамияти йил бошидан буён 600 тоннага яқин гўшт маҳсулотлари, 12 тонна колбаса тайёрлади. Буни пулга чақадиган бўлсак, 56 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди демакдир.

— Корхонамиз маҳсулотлари вилоят аҳолисига манзур бўлмоқда, - деди Владислав Садков “Туркистон-пресс” мухбирига. – Узоқ вақтлардан буён “Сирдарёгўшт” зиён келтирувчи корхона ҳисобланарди. Мулкчилик шаклининг ўзгариши билан зарар билан фойданинг фарқига борадиган бўлдик.

Акциядорларга айланган корхона ходимлари электр энергияси, газ ва бошқа харажатларни қатъий равишда ҳисоб-китоб қиладиган бўлдилар. Бу маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг таннархини арзонлаштириш имконини берди.

В.Садковнинг сўзига кўра, айни пайтда бу ерда 24 нафар ходим ишламоқда. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 25 минг сўмни ташкил этяпти. 2001 йилнинг дастлабки ярим йиллигида 9 миллион соф даромад олинди. Йил охирига қадар 6 миллион сўмлик фойда олиниши кўзда тутиляпти. Топилган маблағлар ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, жамоа аъзоларини моддий рағбатлантиришга сарфланмоқда. Мамлакат мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан корхона ўз ишчиларига 250 минг сўм мукофот берди. 655 минг сўм маблағ вилоят спорти соҳасига, 60 минг сўм “Умид” жамғармасига ва 150 минг сўм болалар уйлари ва кам таъминланган оилаларга хайрия сифатида берилди.

ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИ

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Ҳузуримизга юзлари синиққан, ҳали ёш кўринса-да, сочларига оқ оралай бошлаган йигит кириб келди.

У ўнг қўлини стол устига қўяркан, ҳаракатсиз панжаларини яширган бўлди. Бахтиёр Рустамов исмли бу йигит билан суҳбатимиз тезда қовушиб кетди. Ўз бошимдан ўтганини гапириб берай, хулосани эса ўзингиз чиқаринг, деб қолди Бахтиёр.

— 1988 йилда Сайхунобод туман пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Шўрўзак» пахта қабул қилиш пунктига чилангар бўлиб ишга қабул қилиндим, — деди у. Тезда бу ердаги юмушларимни ўзлаштириб олдим. Шу йилнинг кузига бориб иш қайнаб кетди. Турли дастгоҳларни бошқаришга мажбур эдик. 13 октябр куни пахта тозалагич механизмини ишга туширдим. Билмадим, эҳтиётсизлик ёки тажрибасизлик қилдимми — ўнг қўлимни дастгоҳ ямлаб кетди. Гулистон туман марказий шифохонасида ҳушимга келдим. Бир йилдан кўпроқ вақт турли шифохоналарда даволандим. Шу-шу бирор ишнинг этагини тутолмадим. Лекин бахтим бор экан уйландим, бола-чақали бўлдик. Энди эса хотинимга тирик-товон бўлишдан бошқасига ярамаётганимдан ўкинаман...

Бахтиёр билан узоқ суҳбатлашдик. У қорнига эмас, қадрига ачинарди. Бошига кулфат тушганда уни унутган айрим ҳамкасблари, жамоасидан гина қилди.

У кўп марта ҳиссадорлик жамияти раҳбарларига, касаба уюшма ташкилотига ёзма равишда мурожаат қилган. Моддий ёрдам сўраган. Аммо илтимослари инобатсиз қолаверган. Ногирон йигит эса ҳамон эътибордан, кўмакдан, меҳр-мурувватдан четда.

Энг афсусланарлиси, Рустамов билан юз берган бахтсиз ҳодиса яширилган. Ўша пайтдаги завод раҳбарлари энди бошқа ишу лавозимларда хизмат қилади. Йигитнинг соддалиги, ёшлиги кимларгадир қўл келган шекилли, қисқаси, бундан ўн уч йил илгари яширилган дарднинг мана энди иситмаси ошкор бўлаяпти.

Ўз ҳақ-ҳуқуқини кеч бўлса-да англаб етган Б.Рустамов кўп идоралар эшигида сарсон-саргардон. Бироқ унга лоақал товон пулини ундиришда ёрдам кўрсатадиган мард йўқ. Унинг ҳақли талабига Сайхунобод тумани пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ва туман мутасаддилари эътибор қаратадилар, дея умид қиламиз.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига 12 йил тўлди

Ўзлигини англаган ҳар бир халқ она тилисига меҳр қўяди, унга миллий ғурур сифатида қарайди. Бинобарин, она тилига ҳурмат, эътиқод Ватанга, миллатга бўлган муҳаббат билан йўғрилгандир.

Республикамизда Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши ўзбек тили тарихида янги даврни бошлаб берди.

МИЛЛИЙ ҒУРУР ҚАЛБДА ЖЎШ УРСА

Аввалambор луғат таркибининг бойишига ҳар томонлама имконият яратди. Ўзбек тилининг ички имкониятлари, қонун-қоидалари асосида жуда кўплаб янги сўзлардан фойдалана бошладик. Ўйингоҳ, услубчи, шоҳбекат, дармондори, мўзлатгич, совутгич, тасвирчи, далолатнома, қайднома, ишончнома, тавсифнома, рақобатбардош кабилар шулар жумласидан. Бир вақтлар истеъмолдан чиқариб юборилган, вазир, вилоят, муҳаррир, котиб, маъруза, фаввора, муҳандис, муҳр, ҳайъат, матн, мадҳия, чипта, бекат, дастур, фуқаро, фоиз, байналмилал, сармоя, тасниф сингари талай сўзлар тилимиз луғат таркибидан яна ўрин олди. Ташқи манба — бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш натижасида ҳам тилимиз бирмунча бойиди. Тест, рейтинг, бакалавр, магистр, лицей, коллеж, гимназия, фермер, бизнес, биржа, акция, менежер, валюта, сертификат, супермаркет каби сўзлар бугунги кунда кенг тарзда қўлланилмоқда.

Маълумки, тил билан ёзув бир-бири билан узвий равишда алоқададир. Тилнинг ривожланишида ёзувнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бу жиҳатдан 1993 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган «Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонун ўзбек адабий тили тараққиёти, ривожи учун кенг йўл очиб берди. Янги алифбо она тилимизнинг жаҳоншумул нуфузини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу ёзув туфайли халқимизнинг илм-фани, маданияти жаҳон миқёси даражасига кўтарилади.

Халқ таълими муассасаларида янги ёзув ва имлони жорий этиш жараёни кенг кўламда олиб борилмоқда. Мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида янги ўзбек алифбоси пухта ўргатилмоқда. Янги алифбони ўрганиш учун 12, 36, 60 соатлик ўқув дастурлари тузилган. Улар асосида кўплаб қўлланма ва рисолалар яратилган. «Имло луғати», «Лотин алифбоси», «Совға», «Қалдирғоч», «Ҳарфлар нима дейди?», «Янги алифбо», «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосини ўрганиш», «Сирли хазина», «Алифбо ва имло» сингари дарслик ва қўлланмалар шулар жумласидандир.

Давлат тили асосида маъмурий-ҳудудий бирликлар номини қайта кўриб чиқиш борасида ижобий ишлар қилинди. Барча вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузурида топонимия комиссиялари тузилди. Комиссиялар қарори билан халқимизнинг миллий анъаналари ва тарихи билан боғлиқ бўлмаган юзлаб кўча, маҳалла номлари ўзгартирилди. Уларнинг ўрнига тарихий жой номлари муомалага киритилди. Кўплаб жойлар ўзларининг азалий номлари билан атала бошланди.

Қонун асосида ўзбек тилшунослиги фани ривож топди. Фонетика ва фонология, лексикология, фразеология, имло ва талаффуз, морфология, синтаксис, услубиёт соҳаларига оид 10 дан ортиқ докторлик, кўплаб номзодлик илмий ишлари ҳимоя қилинди. Олимларимиз томонидан қатор монография, рисолалар, дарслик ва қўлланмалар яратилди.

Маълумки, луғат — тил хазинасидир. Чунки, луғатда у ёки бу тилнинг сўз бойлиги ўз ифодасини топади. Яратилган ҳар қандай луғат халқнинг маданий ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади. Луғат тузиш иши мураккаб жараён бўлиб, бу масала билан тилшуносликнинг луғатчилик (лексикография) соҳаси шуғулланади. Сўнгги пайтларда ўзбек тилшунослигида мана шу соҳа бўйича ҳам жиддий ютуқларга эришилди. Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиевларнинг «Ўзбек тилининг имло луғати», Б.Юсуповнинг «Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат», Ш.Қурбонов, Р.Усмонов, А.Ҳасановларнинг «Физиологиядан изоҳли луғат», Э.Бегматовнинг «Ўзбек исмлари маъноси (изоҳли луғат)», Ш.Раҳматуллаев, М.Қодировларнинг «Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати», М.Умархўжаев, Қ.Назаровларнинг «Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат», Б.Иброҳимовнинг «Ўзбекча-арабча сўзлашгич» китоблари чоп қилинди. Ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари кўп жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» устида қизғин иш олиб бормоқдалар. Луғатнинг дастлабки жилдлари тайёрланиб, нашрга топширилди.

Хуллас, тил — миллат кўзгусидир. Тилга бўлган эътибор миллатга, шу миллатнинг маънавиятига бўлган эътибордир.

Носиржон ОХУНОВ, филология фанлари номзоди.

ҲАР БИРИМИЗНИНГ КУНДАЛИК ИШИМИЗ

21 октябрь юртимизда «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун сифатида нишонланади. Шу муносабат билан жойларда илмий анжуманлар, байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Улардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтди.

«Тилга эътибор - элга эътибор» мавзуидаги мазкур байрам тадбирида тилшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчилар иштирок этди.

Академия ректори А.Азизхўжаев кириш сўзи билан очган тадбирда мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлгани, бу эса мустақиллик сари қўйилган дастлабки одимлардан бири ҳисобланиши алоҳида таъкидланди. Ўтган давр мобайнида ҳаётнинг барча жабҳаларида она тилимизнинг мақомини олий даражага кўтариш борасида жуда кўплаб ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, бу масалага барча жойларда ҳам етарли даражада эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Иш юритишда давлат тили талабларига тўла амал қилмаётган идора ва ташкилотлар ҳамон учраб турибди. Шу боис давлат тилининг ҳуқуқий мақомини янада кенгроқ тарғиб қилиш, тил маданиятини юксалтириш, тилшунослик бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

(ЎзА).

ХОЛИС ФИКР

У ўтган давр мобайнида тилимизнинг равнақи, янада такомиллашуви йўлида талай ишлар қилинди. Ўзбек тилини ўргатиш учун корхоналарда, муассаса-ташкилотларда курслар ташкил этилди. Иш қоғозларини батамом ўзбек тилида юритиш борасида махсус йўриқномалар, дастурлар ишлаб чиқилди. Йирик корхоналарда тил марказлари фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳам муҳим ишлар сирасидандир.

Тошкент трактор заводи акционерлик бирлашмасидаги ўзим гувоҳи бўлган ва бевосита иштирок этган ишлар хусусида тўхталиб ўтай. Қарангки, собиқ шўро даврида бу ердаги бутун бошли кутубхонада бирорта ўзбекча китоб йўқ экан. Қонун қабул қилинганининг илк йилидаёқ тил маркази тузилди. Ўзбек тилидаги китоблардан иборат, лингафонлаштирилган кутубхона ташкил этилди. Русийзабон ишчи-хизматчиларга тилимиздан сабоқ бериш йўлга қўйилди. Корхона ҳудудидаги барча осма ёзувлар давлат тилидаги муқобили билан алмаштирилди. Расмий иш қоғозларини юритиш тўлалигича ўзбек тилига ўтказилди.

Бу Давлат тили тўғрисидаги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан биргина мисол, холос. Бу борада қилинган ишлар кўлами, самараси ва натижаларини бугун барчамиз кўриб турибмиз.

Албатта, ютуқлар ўзимизники. Шу боис, мен баъзи эътиборсизликлар, камчиликлар тўғрисида фикр билдирмоқчиман. Зеро, уларни бартараф этишдан барчамиз манфаатдормиз. Кейинги йилларда газета-журналларимизда «Ўқитувчи-2001», «Ҳамшира-2001» каби ёзувларга тез-тез кўзимиз тушяпти. Бу русча гап қурилишининг намунаси. Аслида «2001 йил ўқитувчиси», «2001 йил ҳамшираси» шаклида ёзилиши керак.

Шаҳримиздаги осма ёзувлар, пешлавҳаларга назар ташланг. Кўп ҳолларда нотўғри ёзувларга кўзингиз тушади. Айниқса, «Х» ва «Ҳ» ҳарфлар ўрин алмашади: «Дориҳона», «Сартарошҳона» каби. Баъзан бутун бошли сўзларнинг ҳам нотўғри ёзилганини кўрасиз. Бир пешлавҳада «Мусқаймоқ» деб ёзиб қўйилибди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Шу таҳлит ғализлик, чалкашликларнинг олдини олиш учун осма ёзувлар, пешлавҳаларни назорат қилишнинг марказлашган тизимини ишлаб чиқиш керак.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ, халқ таълими ходими.

«ОНА ТИЛИМ» АЙЛАНМА КРОССВОРДИ



Шаклида белгиланган хонадан йўналиш кўрсаткичи бўйича рақам атрофига:

1.«Тилга эътибор — элга эътибор» — ҳикмати муаллифи, мутафаккир шоир. 2.Ўзбек тили имло қоидаларини такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшган олим. 3.«Девону ... турк». 4.Тилшунос олим. 5.Атама сўзининг китобий номи. 6.Дарсликлар ёзган тилшунос олим. 7.Тилни ўрганишдаги биринчи қўлланма. 8.«Сўз санъати» муаллифи. 9.Она тилимиздаги маълум ҳудудга хос шевалардан бири. 10.Илм-маърифат ўргатувчи муассаса. 11.Она тилимиз мадҳ этиб ёзилган назмий асар тури. 12.Туркий тилига давлат мақомини берган темурийзода, ўзбек шоири. 13.Шеърият. 14.Тилшунос олим. 15.Тилимизга хос изоҳли луғатларни нашрга тайёрлаган олимлардан бири. 16.Ўзбекистон Қаҳрамони, «Она тилимга» шеъри муаллифи.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар:

1.Атоқли адиб — 16,9,22,3,10,3,20. 2.Ўтган аср бошида «Олти тилли» луғат яратган ўзбек тилшуноси, тарихчи, маърифатпарвар — 3,1,10,2,6. 3. Гап бўлаги — 13,12,14,3,19. 4.Сўздаги бирор товушнинг кучлироқ айтилиши — 7,10,21,7. 5. Ижоддаги образли сўз, ифода — 13,18,17,3,19. 6.Гап бўлаги — 8,9,4. 7.Сўз, иборага берилган шарх — 3,11,9,8. 8.Нуқтадаги маънога монанд ҳолда овознинг мутаносиб ўзгариши — 9,8,2,15,5.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Шунда ёш мураббийларга қарата айтилган ибратли сўз ва унинг муаллифи бўлган атоқли адиб номини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ҚАЧОН БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради:

САВОЛ: Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам бажармаганлиги дейилганда нималарни тушунамиз? Бундай ходимга қандай интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйиладими?

Х.Исматуллаева, Чилонзор туман соғлиқни сақлаш ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси.

ЖАВОБ: Бу саволларга жавоб беришда, албатта, биринчи навбатда меҳнат вазифалари тушунчасини чуқурроқ ўрганишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 176-моддасида кўрсатилганидек, ходимнинг меҳнат вазифалари ички меҳнат тартиби қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, муассасада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда, яъни жамоа шартномаларида, йўриқномаларда, меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади. Ходим ишга қабул қилинаётганда ҳам, бошқа ишга ўтказилаётганда ҳам албатта, ўз меҳнат вазифалари билан имзо чектириб таништирилган бўлиши шарт. Акс ҳолда ходимга меҳнат вазифалари ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга интизомий жазо чораси қўлланишда ўртада меҳнат низолари келиб чиқиши, бу низолар тегишли органлар томонидан ходим фойдасига ҳал қилиниши мумкин.

Ходимга, айнан била туриб, ўз меҳнат вазифаларини бузганлиги учун интизомий жазо чоралари қўлланилишига, шу жумладан Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилади.

Меҳнат кодексининг 177-моддасига асосан ходимнинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажариш, шунингдек, ноқонуний хатти-ҳаракатларни ёхуд ходимнинг ўзи ёки бошқа шахсларнинг ҳаёти ва саломатлигини хавф остида қолдирувчи, ор-номуси ва қадр-қимматини таҳқирловчи ҳаракатларни содир этишдан бош тортиши меҳнат вазифаларини бажармаслик, деб баҳоланмайди ва унга нисбатан ҳеч қандай интизомий жазо чоралари қўлланилмайди.

Агар меҳнат қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга биноан фақат ходимнинг розилиги билан иш берувчи томонидан қарор қабул қилиниши мумкин бўлса, иш берувчининг якка ўзи бундай қарорни қабул қилишга ҳуқуқли эмас.

Масалан, ходимни бошқа ишга ўтказиш (МК 92-93м.), иш вақтидан ташқари меҳнатга жалб қилиш (МК 147-м), таътилнинг ўн беш иш кунидан ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўлаш (МК 151-м) ва бошқа ҳолларда иш берувчи ходимнинг албатта розилигини олиши шарт.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бажармаганлиги дейилганда, унга меҳнат вазифаларини бузганлиги учун интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган (МК 181-182-м.) кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга хилоф ножўя ҳаракат содир қилиниши тушунилади. Масалан, ходимга 2000 йилнинг 1 ноябрида буйруқ билан Меҳнат кодексининг 181-182-моддалари талабларига амал қилинган ҳолда «ҳайфсан» эълон қилинган бўлса-ю, у 2001 йилнинг 1 сентябрида сабабсиз ўз меҳнат вазифаларини яна бузса, бу — ходимнинг мунтазам равишда ўз меҳнат вазифаларини бузган, деб ҳисобланади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун интизомий жазо чораларини қўллаш қонун томонидан иш берувчига берилган ҳуқуқ, лекин у бундай чорани қўлланишга мажбур эмас. Иш берувчи ходимнинг кўп йиллик ва самарали меҳнатларини биринчи маротаба бундай хатоликка йўл қўяётганлигини, унинг ижобий томонларини эътиборга олиб ходимга ҳеч қандай жазо бермаслиги ҳам мумкин.

Интизомий жазо чоралари Меҳнат кодексининг 181-моддасида кўрсатиб ўтилган:

1) ҳайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин.

3) Меҳнат кодексининг 100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Агар ходимга қонунда кўрсатилмаган интизомий жазо чоралари қўлланилса, у ҳақиқий ҳисобланмайди.

Интизомий жазо чораси ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан қўлланилади. Бунда албатта айбдор шахсдан ёзма равишда тушунтириш хати олиниши, агар ходим уни беришдан бош тортса, камида уч шахс иштирокида далолатнома тузилган бўлиши керак.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан бир ой ичида (касал ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмасдан) қўлланилади.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганида, молия хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Ходимнинг содир этган ножўя хатти-ҳаракати албатта далиллар билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Интизомий жазо чораси қўлланиш тўғрисидаги буйруқ ходимга имзо чектириб таништирилади.

Аммо амалиётда айрим иш берувчилар Меҳнат кодексининг 181-182-моддалари талабларини тўлиқ бажаришмайди.

Ходим ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бажармаганлиги учун иш берувчи у билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг 3-банди билан касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олингандан сўнг бекор қилишга ҳуқуқли ҳисобланади.

Ишдан бўшатилган ходимнинг вазифасига тиклашни сўраб ёзган аризаси кўрилаётганда меҳнат низоларини кўрувчи ёки бошқа мутасадди органлар томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинишида қонун талаблари, яъни биринчи интизомий жазо қонунда кўрсатилганлиги, тушунтириш хати олинганлиги, муддати, ходимнинг айби тасдиқланганлиги, буйруқ билан ходим таништирилганлиги, касаба уюшма қўмитасининг (устав асосида) олдиндан розилиги олинганлиги ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллар бажарилганлигига аҳамият бериш зарур. Агар иш берувчи томонидан қонун талабларининг бирортаси бузилганлиги маълум бўлса, албатта меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ Меҳнат кодексининг 111-моддасига асосан бекор қилиниши ва Меҳнат кодексининг 275-моддасига мувофиқ ходимга барча мажбуран бекор юрган вақти учун ўртача иш ҳақи ундириб берилиши керак.

Словакия Республикаси ҳукумати томонидан хорижлик фуқароларга давлат стипендияларини ажратиш тўғрисидаги дастур доирасида 2001-2002 ўқув йили учун ўзбекистонлик фуқароларга магистратура ва докторантурада ўқишга маблағ ажратилди.

УЛАР СЛОВАКИЯДА ЎҚИШАДИ

- Стипендия соҳиблари бепул таълим олиб, ойига 5-6 минг Словакия кроні, яъни 110-130 АҚШ доллари миқдорида стипендия билан таъминланадилар, - деди Словакия Республикаси ишлари бўйича Ўзбекистондаги муваққат ишончли вакил жаноб Петер Юза оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда. - Тез орада икки нафар номзод танлаб олиниб, уларга тил ўргатилади. Кириш имтиҳонларини топширганларидан сўнг Словакиядаги истаган университетларида таълим олишади. Айни пайтда мамлакатимизда олти нафар ўзбекистонлик талаба ўқимоқда. Уларнинг тўрттаси ҳукумат стипендиялари соҳибларидир.

П.Юзанинг қайд этишича, Братислава университети Тошкент Давлат педагогика университети билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. - Шу боис Тошкент шаҳар ҳокимияти ташаббуси билан мазкур университет жойлашган Глинка кўчасининг бир қисми Словакия пойтахти шарафига Братислава деб номланиши рамзий маъно касб этди, - таъкидлади у. - Алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида университет раҳбарияти билан келишган ҳолда талабалар билан учрашувлар ўтказишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, мен ўзим тарихчи сифатида талабаларга Братислава шаҳри тарихи бўйича қатор маърузалар тайёрлаганман.

- Бугунги тадбиримизнинг яна бир мақсади 22 октябр куни Тошкентда очиладиган халқаро туристик ярмарка муносабати билан ўзбекистонликларни Словакиянинг туризм салоҳияти билан таништиришдир, - дея сўзида давом этди П.Юза. - Бизда сайёҳлик бизнесига катта эътибор қаратилади. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Келгусида Ўзбекистон билан бу борада ҳам ҳамкорликни ривожлантирмоқчимиз, — деди жаноб П.Юза сўзининг сўнггида.

"Туркистон-пресс"

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Ҳаётда қайралиб, эзилган киши,
Устодликка лойиқ: билим ҳар иши.
ФИРДАВСИЙ.

Қийинчилик чекиб, одам ҳур бўлур,
Садафда қамалиб, қатра дур бўлур.
Умар ХАЙЁМ.

Эртага қолмаса бугунги иши,
Бу дунёда ғолиб яшар шул киши.
Хусрав ДЕҲЛАВИЙ.

Ўтиндан бошқага ярамас гоҳи,
Мевали дарахтнинг мевасиз шохи.
Абдураҳмон ЖОМИЙ.

Дунё — илон, илонбоздир дунё қидирган,
Илонбоздан қасдин олур илон оқибат.
Абу Абдулло РУДАКИЙ.

Кимки, таний олмас нақди гавҳарин,
Билмайин иргитиб, топар зарарин.
Асадий ТУСИЙ.

Ўзгалар айбига тетик назар сол,
Ўз айбинг кўргандек, ундан ибрат ол.
Низомиддин ГАНЖАВИЙ.

Зўрайиб кетаркан бир оташ учқун,
Охири куйдирар оламни бутун.
Фаридиддин АТТОР.

Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,
Чумоли енгади шерни бегумон.
Абдуқодир БЕДИЛ.

Топилмалар гувоҳлик беради

150 АСРГА ТЕНГДОШ

Нон қачон пайдо бўлган? Олимлар 15000 йилга боради, дейишади. Албатта, бундан 150 аср муқаддам нон бугунги истеъмолимиздагига мутлақо ўхшамаган.

У вақтларда бошоғи билан қовурилган донлар, тош орасига олиб янчилган ёрмалар нон ўрнига ўтган. Бундан 5000 йил илгари яшаган Миср фиръавнларидан бирининг мақбараси деворларига нон тайёрлашнинг дон йиғишдан, ун қилишу, хамир қоришдан ёпишгача бўлган барча жараёнларининг сурати чизилган экан. Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги музейда суви қуриб кетган бир кўлнинг остидан топилган бўлка сақланади, бу энг «қадимги» нон ҳисобланади. Ҳисобларга қараганда, ана шу бўлка бундан 6000 йил муқаддам пиширилган экан. Нью-Йорк музейларидан бирида юмалоқ — эсси ловош сақланади, тарихий нонлар орасида бу энг «ёши» ҳисобланиб, тайёрланганига бор-йўғи 3400 йил бўлган экан.

Бундан 5000-6000 йил аввал қадимги Мисрда нон пиширишнинг янги даври бошланди. Ўша даврда новвойлар хамирни кўпчитиш, оширib ичини ғовак-ғовак қилиб нон пиширишни ўрганиб олдилар. Замонавий нон ёпиш ҳанузгача ана шунга асосланади.

Греция пойтахти Афина шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги каратэ бўйича Жаҳон чемпионатида дунёнинг 70 мамлакатидан 800 нафардан ортиқ каратэчилар ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Ватанимиз ёш каратэчилари ушбу нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишди. 60 килограммгача бўлган вазн тоифасида София Каспўлатова биринчиликнинг бронза медали билан тақдирланди. Шунингдек, Илҳом Каримов, Отабек Қосимов, Акром Содиқов, Ринат Кутуев сингари вакилларимиз ҳам кучли ўнликдан жой олишди.

Суратда: жаҳон чемпионати совриндори София Каспўлатова мураббийи Алишер Содиқов билан.
М.АМИН (ЎзА) олган сурат.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

НИМ ТАБАССУМ

Икки дўст учрашиб қолишди. Бири мақтанди:
— Омадим бор экан, Лучано Паваротти концертига чипта сотиб олдим.
— Унинг нимаси яхши. На овози бор, на истараси...
— Нима, сен унинг концертида бўлганмисан?
— Э йўқ, яқинда бир танишим унинг ашуласини айтганини эшитдим.

* * *

Ичиб олган эр хотинини юпатмоқда:
— Сен менга бунақа қичқирма! Ахир неча марта айтаман сенга, ўз пулимга эмас, укамнинг пулига ичдим, деб.
— Укангиздан нима учун пул оласиз?
— Нимага бўларди? Телевизоримиз бузуқ, янгисига пул етмаяпти деб олдим-да. Ўйлаб қарасам, эскисини тузатсак ҳам бўлар экан. Нима дединг?...

* * *

Хотин эрини балиқ овига кузатмоқда:
— Агар сазан бўлмаса, лаққасини сотиб олаверинг.

* * *

— Доктор, кўпроқ сабзи истеъмол қилсам, кўзим равшан тортиши тўғрими? — сўради мижоз шифокордан.
— Бўлмасам-чи! Кўзойнак таққан қуённи ҳеч кўрганмисиз?...

* * *

Ҳайвонот боғи директори милицияга қўнғироқ қилди:
— Якка-ю ягона филимиз қочиб кетди.
— Хавотир олманг, албатта қидириб топамиз, — деди навбатчи уни руҳлантириб. — Фақат филингизнинг алоҳида белгиларини айтиб юборинг.

Биласизми?

СУНЪИЙ БЎЁҚ ИХТИРОЧИСИ

Инглиз кимёгари Уильям Перкин тажриба ўтказишдан эринмас ва ҳар гал хинин ўрнига қатронга ўхшаш қорамой оларди.

Кунларнинг бирида шу қатрондан бинафшаранг модда ҳосил бўлганда у таажжубдан ёқасини ушлади. Ўшандан буён (1856 йил) олимнинг номи кимё тарихига абадий ёзилиб қолди. У дастлабкилардан бўлиб сунъий бўёқни кашф этди.

Перкин сунъий бўёқни ихтиро қилганда бор-йўғи 18 яшар эди.

<u>Итнинг садоқати ҳақида гап кетганда, Бўрибосар хотирамга келади. Ўшанда ота-онамдан яширинча овқатимдаги гўштларни остонада илҳақ кутаётган жониворга илинардим. Ҳамма-ҳаммаси кечагидек эсимда. Айникса, Оқбулоққа кўчиб келганимиздаги садоқатини ҳеч унута олмайман.</u>

БЎРИБОСАР

воқеий ҳикоя

... Ташқарида бўрон ғувиллarди. Тахталари эскириб, қурқушиб ёрилган қўш табақали уй эшигига солинган илгакка ҳам ишонмасдан тирговуч қўйганмиз. Отам чўлга кетган. Кун бўйи рўзғор ташвишида ҳориган онам ухларди. Акам иккимиз бўрон ғувиллашига қулоқ тутарканмиз, юрагимизни ваҳима қопларди.

— Девлар шунақа гаплашишса керак, — деймаn ташқаридаги даҳшатли шовқинга ишора қилиб. Акам анчагача гапларимни тинглаб жим ётди. Кейин секин турди:

— Эшикни бир нима тирнаяптими?

Бўри ёки алвасти бўлсая. Хойнаҳой отамиз йўқлигини билиб бизни ўғирлаб кетишга келдимикан?

Акам онамни уйғотди.

— Қаранг, эшикни бўри тирнаяпти, — деди.

— Бўри нима қилсин, болам, шамол бу. Ухланглар. Ҳозир тонг отади.

Ҳарҳанд кўзимни юммай, уйқум келмасди. Эшигимизни гўё бўри кемираётгандек. Шунда итнинг мунгли инграши эшитилди. Бўрибосарим бўлса-я. Қўрқувдан қуюшиб устун келди. Эшик ёнига бордим. Ростдан ҳам инграш танишдек туюларди.

— Бўрибосарим, эшикни очайлик, — дедим онамга.

— Итинг энди бу ёқларга кела олмайди кўзичоғим, кишлоққа қайтиб кетган. — Онам ишонмагандек менга тикилди.

У маҳаллада Қорадарё ўзанига сиғмасдан тўлиб-тошиб оқар, сарғимтил тўлқинлари юракни ваҳимага солиб қирғоққа лопиллаб урилар, у қирғоқда туриб бу қирғоққа қараб бақирсангиз овозингиз етмасди. Ҳозир автомашиналар гуриллаб ўтаётган темир-бетон кўприк ўрни ҳам хайҳотдек кенглик эди. Дарёнинг икки соҳилига тортилган пўлат арқонга паром боғланган бўлиб йўловчи ва автомашиналарни пайдар-пай ташиб турарди.

... Ўшанда биз дарёнинг нариги томонида жойлашган «Оқбулоқ» қишлоғига кўчаётган эдик. Кўчимиз юкланган автомашина паром ўртасидан жой олди. Унинг устида мен билан ёнма-ён чўққайган Бўрибосарга, мўйлови тарвақайлаган хўппа семиз кемачининг ноғаҳон кўзи тушиб, авзойи бузилиб, бақирди:

— Итни дарров туширинглар, фариштасиз ҳайвон бу!

Паромдаги бошқа иримчи йўловчилар ҳам уни қувватлашди. Ҳар қанча йиғлашимга қарамасдан итни машинадан судраб туширишди ва қирғоққа қараб улоқтиришди. Паром қўзғалди.

Дарё ўртасига етганимизда итнинг илоҳсизликдан сувга сакраганини кўрдим. Тумшуғини сувдан чиқазиб анча масофагача кема ортидан сузиб келди. Сўнгра сарғимтил тўлқинлар орасида кўздан йўқолди. Онам «итинг орқага, қишлоғимизга, бурилиб ёнига қайтиб кетди», деб мени овутди...

Эшик табақалари бетиним тирналади. Акамнинг қайтаришига қарамасдан илгакка қўлимни чўзганимда онам ўрнидан туриб тошфонус пилигини кўтарди. Сомон сувоқли уйимиз ёришди.

— Шошма, — деди мени имлаб бурчакдаги узун дастали супургини қўлига оларкан. Акамни ҳам ёнига чақириб ўқловни тутқазди. Бўрибосардан ўзга итми, нима бўлмасин, бошига соласан, аямайсан.

Милтиқ тутган соқчилардек иккиси ўнг ва чап томонимда тек қотишди. Мен эҳтиётқорлик билан илгакни чиқариб эшикни қия очдим. Бўрибосарнинг оқ ҳолли таниш тумшуғи кўринди.

— Бўрибосар, — дедим овозим борича бақириб. — Янги уйимизни қандай топдинг? Сира кўрмагандинг-ку ахир?

Ит ичкари кириши билан эшикни қайта тамбаладик. Жунига хас-хашак илашган ит шамолда қолган терак баргидек титрар, бетоб одам сингари ғингширди. Хўллигидан оғирлашган думини аранг қимирлатиб силкитишга уринарди. Акам билан қувонганимиздан уйни бошимизга кўтариб ўйинга тушардик. Шу дамда бизни бўрон ҳам ортиқча ваҳимага солмас, ахир, ёнимизда садоқатли қўриқчимиз, доимий ҳамроҳимиз Бўрибосар бор эди-да!

Онам ўчоққа ўт ёқиб чой идишни қўйди. Қайнаган сувга кепак аралаштириб атала тайёрлади. Совугач, бурчакка эски кўрпача тўшаб итга жой қилди ва овқатни қўйди.

Эртасига қуёш чарақлаб, ҳаво очилди. Ака-ука Бўрибосарни эргаштириб кўчага чиқдик. Ойбулоқлик болалар ҳам ҳайрон бўлишди. Айниқса, улар шундоқ катта дарёдан сузиб ўтиб, бизни топиб келган итга қойил қолишарди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.



Яқинда учқўрғонлик китобхонлар ажойиб совға олишди. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳашар йўлида туман маданият бўлимига қарашли «Хазиний» номли марказий кутубхона учун янги бино барпо этилди.

Суратда: кутубхонанинг хизмат кўрсатиш бўлимида.
Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БЕКОРЧИ ВАҚТ ЙЎҚ

Қоракўл туманида касаба уюшмалари томонидан ёшларни спортга жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

- Касаба уюшмалари томонидан ҳар йили ўн миллион сўм атрофида бадал йиғилади, - дерди Қоракўл туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Нурмуҳаммад Юсупов "Туркистон-пресс" мухбирига.

Раиснинг айтишича, ўтган йили 1 миллион 700 минг сўм пул кам таъминланган оилалар фарзандларига халқ банкида ҳисоблар очишга сарфланди. Тумандаги 70 нафар боланинг мучал ва суннат тўйлари ҳам касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан ўтказилди.

Туманда 72 та спорт марказлари ёшлар хизматида. Балоғатга етган 21 минг ўсмирдан 18 минг нафари айни кунда кураш билан шуғулланаяпти.

Футбол

<u>Ўзбекистонлик мухлислар учун анчайин шодон кайфият билан бошланган катта футбол марафони — гуруҳ ўйинлари поёнига етди. Терма жамоамиз саралаш ўйинлари иккинчи босқичидаги сўнгги учрашувни хитойликлар билан ўтказиб, аввалдан башорат қилинганидек қийинчилик билан бўлса-да зафар қучди. Ҳисоб — 1:0.</u>

МУХЛИСЛАР УМИДИ СЎНМАС

Жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари «В» гуруҳи якунларига доир

«Башорат» сўзимиз асло эриш туюлмасин. Чунки бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Биз буни ҳув ўша июннинг биринчи кунлари — Бангкок шаҳрида гуруҳ аъзолари маълум бўлганини эшитган заҳотимиз ҳам айтган эдик. Гарчанд мутахассислар билан мухлисларнинг ҳисоб-китоби ўртасида кўпинча уйғунлик бўлмаса-да, лекин тан олишимиз керак, ғолиблик масаласида бу гал фикрлар ўхшашлиги мавжуд эди.

Бунинг бир неча асослари бор. Энг муҳим асос, бу юртимизда футбол чуқур томир отган. Боз устига, терма жамоа аъзоларининг аксарияти легионерлардан иборат бўлиб, бу ҳам ўзаро баҳсларда устунлигимизни таъминлаши лозим эди.

Миржалол Қосимов, Николай Ширшов, Александр Хвостунов, Максим Шацких, Жаъфар Ирисметов... Айникса, Жаъфардан кўп нарса кутгандик. Бултур ички чемпионатимизда тўпурарлар баҳсида рекорд натижа (45 тўп) кўрсатиб, кимсан Олег Романцев назарига тушган ҳужумчимиз бизнинг назаримизда яна тўплар шодасини тақдим этишга қодирдек туюларди. Ҳаммасидан ҳам терма команда таркибида бирин-сирин чет элик футболчиларнинг пайдо бўлиши (Георгиев, Дионисиев, Пашинин, Маминов, кейинроқ эса Поляков, Агаларов) биз мухлисларни талтайтириб юборди.

Юқорида зикр этганимиздек, марафон ёмон бошланмаган эди. Туркманистон, Иордания ва Хитой Тайпейи билан кечган учрашувлар чинданда Ўзбекистон терма жамоасининг имкониятлари юқори эканлигини исбот этган, озгина ҳаракат қилинса, янада кучлироқ ўйин кўрсатиш орқали иккинчи босқичда ҳам ғолиб чиқиш гўё нақд қилиб қўйилган эди. Аммо Абу-Дабидаги шармандали ҳисоб...

Бу ҳақда кўп гапирилди. Яна таҳлил қилинади. Чунки биз, мухлислар, айниқса, футбол ишимиз ишониб топширган қўйилган мутахассисларимиз ва ҳассислар учун ҳеч асл сабабият қаерда эканлигини аниқлаш гоят муҳимдир.

Лекин, бизнинг фикри ожизимизча, ҳал қилувчи хато гуруҳлар аниқланиши ҳамда баҳслар бошланиши оралиғида салкам уч ойлик фурсатнинг бой берилиши бўлди. Очиғи, бу ҳолни нима деб аташга ҳам ҳайрон қоласан, киши. Бўсағада ҳали забт этилмаган чўққи кўп узатса етгудек масофада турса-ю, гўё ҳеч нарса юз бермаётгандек хотиржам яшаш мумкинми эди! Афсуски, шундай бўлди: на терма жамоа аъзоларини йиғиб бирон турнирда қатнашилди, на назорат учрашувлари ўтказилди. Масъулиятли беллашувга бир ҳафта илгари йиғилган футболчилардан эса нимани ҳам кутиб бўларди...

Бошвоғини йўқотган бош мураббий бошқарган жамоада кимлар ўйнаб кетмади дейсиз! Тарқибдаги кетма-кет ўзгаришлардан нафақат ўзимиз, рақиб жамоа тренерлари ҳам кўп довдирашди, ҳойнаҳой. Натижа эса барибир бизнинг зиёнимизга қайд этилди.

Албатта, бугунгидек қулай имконият бошқа бўлмаслиги мумкин. Бўлажак баҳсларга 2002 йилги Жаҳон чемпионати мезбонлари Япония ва Жанубий Корея ҳам қўшилгач, рақобат кескин кучайиши табиий. Лекин халқимизда кўз қўрқоқ, қўл ботир, деган нақл бор. Ҳаммаси ўзимизга, масъулиятли имтиҳонга қандай ҳозирлик билан боришимизга боғлиқ.

Тайёргарлик эса, авлодлар алмашинуви юз беришини ёддан чиқармаган ҳолда бугундан бошланиши керак. Кези келганда бир нарсани таъкидлашни истардик: терма жамоа салоҳиятини ички чемпионат савияси белгилайди. Зеро, у жиддий ислоҳотларни тақозо этмоқда. Бунга қанча тез эришилса, шунча яхши.

З.РИХСИЕВ.

ҚИРҚОЁҚНИНГ ОЁҒИ НЕЧТА?

Судралиб юрувчи қуртларнинг оёғи нечта бўлади, ҳеч қизиқиб кўрганмисиз? Маълум бўлишича кичкинагина ҳашарот — биз қирқоёқ деб атайдиган қуртларда 270 та оёқ бор экан.

БИР СОНИЯДА 130 ХИЛ ОҲАНГ

Тўрғайнинг сайраши ҳаммага ёқади. Лекин у ҳам кўпинча янглишади: нотўғри сайрайди, яъни «гармония», уйғунлик қоидаларини бузади. Бунинг сабаби бор, албатта, чунки сайраш жуда катта тезлаб қилади. Энг қизиқ томони, бу қуш 2 минг хил куй ижро эта олади. Лекин биз уларнинг ҳаммасини ҳам эшитиш ва ажрата олиш имкониятига эга эмасмиз. Бунинг сабаби, тўрғай тез сайрайди, бир сонияда 130 хилгача оҳанг чиқаришнинг ўзи бўладими, ахир?!

МУҲАББАТ ВА НАФОСАТ ТИМСОЛИ

Ўсимликлар дунёси ичра энг қадимий гуллардан бўлмиш «хризантема» алоҳида ўрин тутади. Хризантемалар ҳақида бундан икки ярим минг йил аввал Хитой файласуфи Конфуций ўзининг «Баҳор ва куз» асарида ажойиб маълумотларни ёзган. Япон шоирларининг ижодида ҳам хризантема катта аҳамиятга эгадир.

Бу ажиб дунё

Хризантемалар Европага XVII асрдагина олиб келинади. Бу гулнинг ажойиб сеҳри бор деб ҳисоблашгани боис уни донолик ва нафосат, қайғу ва муҳаббат тимсоли ҳам дейдилар.

ТУГАНМАС ХАЗИНА

Бебаҳо бойлигимиз бўлган пахтанинг бир тоннасидан қанча нарса ишлаб чиқариш мумкин?:

180 килограмм шелуха, 260 килограмм жмих, 3600 метр мато, 54000 галтак ип, 360 килограмм пахта ёғи ва 5 килограмм ёғсиз, 110 килограмм пахта ёғи, 16 килограмм совун.

Муҳаббат ДАВРОН тайёрлади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г— 2924. 1 2 3 4 5 6